

Қуръони Карим дарслари (50-дарс). Қуръон йигирма уч йил давомида тўлиқ нозил бўлди



14:30 / 10.09.2019 5948

Қуръони Каримнинг сақланиши асосан унинг қалбларга муҳрланиши билан бўлган. Шу билан бирга, Қуръони Карим нозил бўлган биринчи вақтлардан бошлаб, уни ёзиб бориш ҳам йўлга қўйилган эди.

Ўша вақтда ўқиш-ёзишни биладиган одамлар жуда ҳам кам бўлиб, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ёзишни биладиган одамлар, жумладан, Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб, Абон ибн Саъид, Холид ибн Валид, Собит ибн Қайс, Муовия ибн Абу Суфён каби кишилар ўзларига муяссар бўлган хурмо дарахтининг пўстлоғи, япалоқ тошлар, катта суяклар, тери, қоғоз ва шунга ўхшаш нарсаларга Қуръонни ёзиб борганлар.

Ҳоким ўзининг «Мустадрак» китобида икки шайхнинг шартига мувофиқ санад билан Зайд ибн Собитдан қуйидаги ривоятни келтиради:

«Зайд ибн Собит: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида Қуръонни руқъаларга ёзар эдик», деди».

Ҳадисдаги «руқъа» калимаси тери ёки қоғоз парчасини англатади. Бу эса ўз навбатида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги ваҳий котиблари учун ёзиш қулай бўлган асбобларнинг баъзи турларини билдиради. Улар оятларни ясси тошларга, хурмо дарахтининг пўстлоқларига, туя ёки қўйнинг курак суюқларига, туянинг белига қўйиладиган эгарга ўхшаш нарсаларга ва тери парчаларига ёзишар эди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга янги нозил бўлган оят қайси сурадан эканини ва қаерда туриши лозимлигини кўрсатиб берар эдилар.

Шундай қилиб, Қуръон йигирма уч йил давомида фаришта орқали тўлиқ нозил бўлган, Пайғамбаримиз ва саҳобалар ёдлаб ҳам бўлганлар ҳамда ёзишни биладиганлар ёзиб ҳам бўлишган.

Уламоларнинг аксари «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Қуръони Каримни жамлашда, уни ёзишда унинг «етти ҳарф»ни ўз ичига олиши мулоҳаза қилинган», дейишади. Қуръони Карим ушбу «етти ҳарф»да нозил қилинган ва ёзилган. Биз бу мавзунини ўз ўрнида батафсилроқ ўрганамиз.

Ҳар бир ёзилган оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига қўйилар эди. Котиблар ўзлари учун ҳам бир нусха кўчириб олишарди. Котибларнинг ушбу нусхалари, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларидаги саҳифалар ва шу билан бирга, уммий ва уммий бўлмаган саҳобаларнинг ёдлашлари Қуръони Каримнинг муҳофазасига, сақланиб қолишига етарлича хизмат қилди. Бу эса Аллоҳ таолонинг Ҳижр сурасидаги қуйидаги оятининг исботи эди:

﴿لِحِفْظُونَهُ. وَإِنَّا لَذِكْرُنَا نَحْنُ إِنَّا﴾

«Албатта, Зикрни Биз нозил қилдик ва албатта, унга Биз муҳофазачимиз» (9-оят).

Ислом даъвати ўз бошидан энг оғир кунларни кечираётган бир пайтда, яъни мушриклар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ оз сонли

муслмонларни бутунлай йўқотишга, Қуръоннинг номини ҳам қолдирмасликка қасд қилиб қолишган бир пайтда нозил бўлган бу ояти карима ҳақиқий илоҳий мўъжизадир. Агар мазкур Китоб ҳақиқий илоҳий мўъжиза бўлмаганида, шундай қийин пайтда бу гапларни ишонч ва таъкид билан айтмас эди. Бу бир мўъжиза бўлса, оятдаги ваъданинг юзага чиқиши минг мўъжизадир. Қуръон нозил бўла бошлаганидан ҳозирги кунга қадар уни йўқ қилиб юбориш, унга зарар етказиш ва ўзгартириш киритиш учун қанчадан-қанча уринишлар бўлди. Аммо Аллоҳ таоло ваъдасининг устидан чиқди. Ўз Китобини муҳофаза қилиб қолди. Бу Китобнинг бирор ҳарфи ҳам ўзгаргани йўқ. Дунёдаги ҳамма китобларга, ҳатто самовий китоблар бўлмиш Таврот ва Инжилга ҳам ўзгартириш киритилди. Аммо Қуръони Карим софлигича қолди.

Юқорида зикр қилинган Қуръони Каримни ёзиш ишларини расмий ёзиш деб аташимиз мумкин. Яъни жамият раҳбари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига нозил бўлган оятларни ёзишни расмий равишда йўлга қўйганлар. Шу билан бирга, баъзи саҳобаи киромлар Қуръони Каримни норасмий равишда, ўзлари учун ёзиб боришар эди.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан